



ОДАМ ЎЛИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ АСОСЛАРИ ВА ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ

Муаллиф: Очилова Муяссар Атамурод қизи

Калит сўзлар: одам ўлдириш , кучли тасир этувчи воситалар, тергов қилиш медотикаси, соғлиқнинг ёмонлашуви, ўлим, килиник ўлим.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мавзусининг долзарблиги, дастлабки тергов ва суриштирув фаолиятини амалга оширувчи орган субъектларида одам ўлими билан боғлиқ жиноятларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бўйича фаолиятини ташкил этиш тушунчаси, турлари, бугунги кундаги ҳолати ҳамда дастлабки тергов ва суриштирув фаолиятини амалга оширувчи орган субъектларида одам ўлими билан боғлиқ жиноятларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бўйича фаолиятини амалга оширишнинг узига хос хусусиятлари.

ANNOTATION

In this graduation thesis, the relevance of the research topic, the concept, types, and current situation of the organization of activities for the examination of the scene of crimes involving the death of a person in the subjects of the body that performs the preliminary investigation and inquiry activities, and the person in the subjects of the body that performs the preliminary investigation and inquiry activities specific features of carrying out activities on examining the place of the incident in crimes related to death.

Жиноят иши кўзғатилишидан олдин ва жиноят иши кўзғатилгандан сўнг ўтказиладиган ҳар қандай тергов ҳаракатини амалга ошириш учун аввало иккита асос керак бўлади. Худди шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини амалга ошириш учун ҳам моддий ва процессуал асослар мавжуд бўлиб, **моддий асос:** моддий оламда бирор бир ҳодисанинг юз берганлиги, **процессуал асос** эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали белгиланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасида кўздан кечириш учун асослар жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун



аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириши белгиланган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофа вазирлиги, Давлат божхона ва солиқ қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги қўшма қарори билан тасдиқланган “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисида йўриқнома” орқали амалга оширилиш тартиби ва шартлари белгиланган. Мазкўр йўриқномада асосий тушунчалар қўлланилган бўлиб, уларқуйидагилар:

ҳодиса - табиий ва техноген офатлар, авариялар, инсонлар билан боғлиқ бахтсиз ҳолатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, ёнғинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, фуқароларнинг ёрдамга муҳтож ҳолатда топилиши ва терговга қадар текширув, тергов ҳаракатларини ўтказишталаб этиладиган ҳолатлар;

ҳодиса содир бўлган жой – жиноят ёки ҳодиса содир этилганлиги ёхуд уларнинг илгари борлиги ҳақида маълумот мавжуд бўлган жой;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш - жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ўтказадиган тергов ҳаракати;

тергов –тезкор гуруҳи – жиноят ёки ҳодиса ҳақидаги ариза, хабарлар ва маълумотлар юзасидан ҳодиса содир бўлган жойда кечиктириб бўлмайдиган тергов-тезкор ҳаракатларини ўтказиш учун мўлжалланган тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, эксперт ва мутахассислардан иборат гуруҳ.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида ашёвий далилларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар, Адлия ва Мудофа вазирликлари, Давлат божхона ва солиқ қўмитасининг 22.10.2010 йилдани қарори билан тасдиқланган “Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабўл қилиш) ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш ва йўқ қилиб тшлаш тартиби тўғрисида” ги



Йўриқнома талаблари асосида амалга оширилиши белгиланган. Унга кўра ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш қўйидаги тартибда амалга оширилади ва масъул шахслар қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади:

Жиноят ёки ҳодиса ҳақидаги маълумотларга асосан жиноят излари, ашёвий далилларни топиш ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан ҳодиса содир бўлган жой, нарса ва ҳужжатлар, мурда, ҳайвонлар, теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш ЖПКнинг 134-141, 160-161-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишга (шу жумладан, ҳодиса содир бўлган жойни ўраб олган ҳолда) йўл қўймасликка қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар амалга оширилган ҳолда ЖПК талаблари асосида ўз вақтида, қонуний, тўлиқ, режали ва холисона ўтказилиши лозим. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида ашёвий далилларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар, Адлия ва Мудофаа вазирликлари, Давлат божхона ва Солик қўмиталарининг 22.10.2010 йилдаги қарори билан тасдиқланган “Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокама- си давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш ва йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талаблари асосида амалга оширилади.

Содир этилган жиноят ёки ҳодиса ҳақидаги хабарлар юзасидан амалга ошириладиган ҳаракатлар Прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кўрашиш департаменти¹ ва Мажбурий ижро бюроси, Миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар, божхона, солик органлари, ҳарбий қисмлар, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртлари (кейинги матнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар деб юритилади) навбатчилик қисмининг масъул ходими келиб тушган жиноят ёки ҳодисага оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни (кейинги матнда жиноят ёки ҳодисага оид хабарлар деб юритилади) дарҳол қайд этиш чораларини кўриб, қўйидаги ҳаракатларни амалга оширади:



- жиноят ёки ҳодисага оид хабар ким томонидан берилганлиги, жиноят ёки ҳодиса қачон, қаерда ва ким томонидан содир этилганлиги, иш ҳолатининг қисқача мазмуни, жабрланувчиларнинг сони, уларнинг тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларга тезда тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкиллаштиради;
- Ҳодиса содир бўлган жойга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ёки тергов-тезкор гуруҳи етиб боргунига қадар жиноят ёки ҳодиса ҳақида хабар берган шахсни ҳодиса содир бўлган жойга бирон-бир шахсни киритмаслик, ҳодиса содир бўлган жойдаги нарса ва буюмларнинг ҳолатини ўзгартирмаслик, уларга тегмаслик ва изларни асл ҳолида сақлаш ҳақида огохлантиради;
- жиноят ёки ҳодиса содир бўлган жойга яқин бўлган ҳудудда хизмат олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари (шу жумладан, патруль-пост, йўл-патруль хизмати ходимлари ёки профилактика инспекторлари ва бошқа ходимлар)ни ҳодиса содир бўлган жойга зудлик билан етиб бориши, тергов-тезкор гуруҳи етиб боргунига қадар ҳодиса содир бўлган жойни кўриқлаш, унга бирон- бир шахсни киритмаслик, ҳодиса содир бўлган жойни махсус лента ёки бошқа воситалар ёрдамида ўраб олиш чораларини кўриш, ҳодиса содир бўлган жойдаги нарса ва буюмларнинг ҳолатини ўзгартирмаслик, уларга тегмаслик ва изларни асл ҳолида сақлаш, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларга тезда тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши ҳақида топширик беради;
- жиноят содир этган шахслар аниқ бўлган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига уларни ушлаш, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинишининг олдини олиш ёки жиноят содир этган шахснинг ҳодиса содир бўлган жойдан қочиши мумкин бўлган йўл- ларни ҳамда яшириниши мумкин бўлган жойларни тўсиш чораларини кўриш юзасидан кўрсатмалар беради;
- содир этилган ҳар бир жиноят ёки ҳодиса ҳақида ҳудуд прокурорига ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбарига ахборот беради;
- ашёвий далиллар ҳодиса содир бўлган жойдан олиб кетилиши, уларни алмаштирилиши, ҳодиса содир бўлган жой ҳолати жиноят изини яширишдан манфаатдор шахслар томонидан ўзгартирилиши, транспорт ҳаракати ва корхона фаолияти ўзок муддат тўхтатиб турилиши, шунингдек жиноят билан боғлиқ излар табиий шароит, транспорт ҳаракати ва бошқа омиллар таъсирида йўқотилишининг олдини олиш, жиноятнинг қисқа муддатда кўздан кечириш учун терговга тегишлилик қоидасидан келиб чикиб, тергов-тезкор гуруҳи



ҳамда эксперт ва мутахассисларнинг дарҳол ҳодиса содир бўлган жойга чиқишини ташкиллаштиради;

- портловчи моддалар аниқланганда, табиий ва техноген офатлар, авариялар, инсонлар билан боғлиқ бахтсиз ҳолатлар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар ва бошқа ҳодисалар руй берганда махсус хизмат (портловчи қурилмаларни зарарсизлантириш, фавқўлодда вазиятларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидемиология хизматлари ва ҳк.)ларга хабар бериб, дастлаб уларнинг ҳодиса содир бўлган жойга етиб боришини ташкиллаштиради;
- тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодиса содир бўлган жойдан ўзюкда жойлашган тақдирда, уларнинг ваколатига тааллуқли ҳодисалар буйича ҳодиса содир бўлган жойга чиқиш ҳамда кечиктириб бўлмайдиган тергов-тезкор ҳаракатларини ўтказиш учун ҳодиса содир бўлган жойга яқин ҳудудда жойлашган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар бериб, ҳодиса содир бўлган жойга тергов-тезкор гуруҳи чиқишини ташкил этади.

Ҳодиса содир бўлган жойга чиқишдан олдин тергов-тезкор гуруҳи раҳбари:

- навбатчилик қисмининг масъул ходимидан жиноят ёки ҳодиса ҳақида хабар берган шахсга оид маълумотлар, шунингдек, ҳодиса тафсилоти, жиноят содир этилган жой, вақт, жиноятни содир этган шахслар аниқланган ёки аниқланмаганлиги, ушланган ёки ушланмаганлиги, ушланган бўлса, қаерда ушлаб турилганлиги, жабрланувчи ҳақида маълумотлар, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларга тезда тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилганлигини, жабрланувчи тиббий муассасага жойлаштирилган бўлса, қайси муассасага жойлаштирилганлиги ҳақидаги маълумотларни олиши;
- шунингдек, навбатчилик қисми масъул ходимидан ҳодиса содир бўлган жойни кўриқлаш чоралари кўрилганлиги ҳақида маълумотларни олиб, зарур ҳолларда ҳодиса содир бўлган жойда бўлган тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимига ҳодиса содир бўлган жойни кўриқлаш, тергов-тезкор гуруҳи етиб боргунига қадар ҳодиса содир бўлган жойга бирон-бир шахсни киритмаслик, ҳодиса содир бўлган жойдаги нарса ва буюмларнинг ҳолатини ўзгартирмаслик, уларга тегмаслик, изларни асл ҳолида сақлаш, жиноят излари, қуроли, ашёвий далиллар ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа нарсаларнинг йўқолиши, йўқ қилиниши, уларга шикает етказилиши ёки табиий шароит ёхуд ташки таъсир натижасида



уларнинг хусусияти ўзгаришининг олдини олишга қаратилган тегишли чораларни кўриши ҳақида топширик бериши;

- ҳодиса содир бўлган жойдаги излар қўл ва оёқ, транспорт, кон излари об-хаво таъсири остида ўзгариши мумкин бўлган ҳолларда бу изларнинг устини уларга зиён етказмайдиган тарзда бирор нарса (яшик, картон, фанер, брезент ва бошқалар) билан ёпиб қўйиш, ашёвий далил ёки жиноят изларини ўз ҳолида сақлаш имкони бўлмаса, уларнинг дастлабки ҳолатини қайд этган ҳолда (фотосуратга, видеотасвирга олиш ва бошқа усулда қайд этиш йўли билан) сақлаш мумкин бўлган бошқа жойга кўчириш ҳақида топширик бериши;
- тергов-тезкор гуруҳи тўлиқ таркибда йиғилганлигини ҳамда криминалистик техника, алоқа, ёритиш воситалари, фото, видео ва овоз ёзиш ускуналари ҳамда транспорт воситалари билан таъминланганлигини текшириши;
- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш ва маълумотларни қайд этиш учун зарур бўлган анжомлар ва процессуал ҳужжатлар намуналари тўлиқлигини текшириши лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбари жиноят ёки ҳодиса ҳақидаги хабарлар буйича ҳодиса содир бўлган жойга тергов-тезкор гуруҳнинг ўз вақтида ва тўлиқ таркибда чиқишини таъминлаши, заруратга қараб, тергов-тезкор гуруҳи таркибига бошқа соҳа мутахассисларни жалб этиш чораларини кўриши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. –Т.: ТДЮИ, 2005. 231–б.
2. Абдурасулова Қ.Р., Зокирова О. Криминология: Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2003. 77–б.
3. Қ.Абдурасулова, С.Ниёзова, Н.Қурбонов. / Масъул муҳаррир: О.Зокирова. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. 63–б. Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. – Тошкент.: ТДЮИ, 2008. 93–б.
4. Алексеев А.И., Герасимов С.И., Сухарев А.Я. Криминологическая профилактика: теория, опыт, проблемы. – М.: Норма, 2001. 496–с.
5. Антонян, Ю. М. Преступление и наказание. Криминологопсихологический анализ: монография / Ю. М. Антонян, В. Е.